

ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИ ИННОВАЦИОН ЖАРАЁНЛАРНИ ТИЗИМЛИ БОШҚАРИШ

*Пулатова Нозима Равшановна –
ISFT институти халқаро бухгалтерия
ва молия кафедраси в.б.доценти*

РЕЗЮМЕ: Ушбу мақолада умумтаълим мактабларида инновацион жараёнларни тизимли бошқариш ҳамда мактаб ички бошқаруви амалдаги моделлари, мактабда инновацияларни ташкил қилиш, инновацион фаолиятга раҳбарлик келтирилган.

Калит сўзлар: Мактаб, инновация, бошқарув, педагогика, баҳолаш, мезон, тамойил, янгилик, таълим, сифат, жамоа, фаолият.

РЕЗЮМЕ: В данной статье рассматриваются инновационного менеджмента в общеобразовательных школах, его оценка качества в управлении, критерии эффективности управления, интеграция инновационной деятельности и принципы управления школой.

Ключевые слова: Школа, инновации, менеджмент, педагогика, оценка, измерение, интеграция, принцип, инновации, образование, качество, деятельность.

RESUME: This article highlights the concept of innovation management in general education schools, its quality assessment in management, and criteria for the effectiveness of governance, the integration of innovative activities, and principles of school management.

Key words: School, Innovation, Management, Pedagogy, Evaluation, Measurement, Integration, Principle, Innovation, Education, Quality, Teamwork.

Мактаб ички бошқаруви амалдаги моделлари асосида ривожлантириш вазифаларининг самарасиз ечими, шунингдек, ички бошқарув субъектлари ўз олдиларига қўйган вазифаларни бажариш юзасидан етарли билим, кўникма ва малакага эга эмасликлари сабаб мактабларнинг анъанавий бошқарув парадигмаси янги шароитларда фаолият кўрсатишида умуман иш бермайди.

Мактабда **инновацион жараёнларни бошқариш** деганда биз мактабни ривожлантириш ички бошқарув тизими характери, тамойиллари, функциялари, бошқарув субъектлари таркиби ва амалга ошириш механизмлари тўғрисидаги барча тасаввурларимиз жамланмасини тушунамиз. Шунингдек, таклиф этилаётган концепция мактаб бошқарувини ривожлантириш феноменини тушунишни таъминлаш учун мўлжалланган, шунингдек, тадқиқотимиз амалий

характерини инобатга олган ҳолда унинг инновацион жараёнларига самарали таъсир ўтказадиган бошқарув ҳаракатларини ишлаб чиқишга хизмат қилади [1].

Инновацион жараёнларни бошқаришнинг умумий моделини ишлаб чиқишга нисбатан биз танлаган ёндашув ривожлантиришни бошқариш тўғрисидаги умумий тасаввурларни ўзига танлашда, конкрет бошқарув тизими индивидуал таснифининг йўқотилишига олиб келади. Биз таълим этаётган бошқарув моделига нисбатан объектив чекловлар, назаримизда, мактаб бошқаруви концепцияси механизмаларини вариатив ёндашувлар асосида энгиллаштиришга хизмат қилади. Бундан ташқари, концепциядаги кўплаб ҳолатларнинг тавсия характери мактаб раҳбарларига унинг асосида конкрет мактаб шароитлари ҳамда турли ўзига хосликларини инобатга олган ҳолда ўз хусусий бошқарув моделини қуриш имконини беради.

Мактабда **инновацион жараёнларни бошқариш** деганда «унда амалга ошириладиган бошқарув фаолиятининг янги таълим сифатларига эришиш мақсадида махсус режалар, ташкилотчилик, раҳбарлик, назорат асосида ишлаб чиқилган янгиликларни ўзлаштиришга қаратилган инновацион фаолият иштирокчилари ҳаракатларининг бир қисми, бўлагини тушинилади» [2].

Мактабда инновацияларни режалаштириш тушунчаси янгиликдан кутиладиган мақсад натижаларга эришишнинг бўлғусида амалга ошириладиган ҳаракатлар таркиби инновацион фаолиятини лойиҳалаш жараёнини англатади.

Мактабда инновацияларни ташкил қилиш деганда, биз фаолият аъзолари ўртасидаги аниқ ким, қачон нимани бажариши тўғрисида “горизонтал” ва “вертикал” вазифалар, ҳуқуқ, бурч, мажбуриятлари тақсимотининг ташкилий таркибини тушунамиз.

Мактабда инновацион фаолиятга раҳбарлик деганда биз мактаб ички бошқаруви субъектларининг қуйидаги шартларни таъминлашга қаратилган мажмуавий ҳаракатларини тушунамиз:

инновацион жараён барча иштирокчиларининг улардан айнан қачон ва қандай натижа кутиладиганлигини англаш;

мазкур натижаларни олишда уларнинг манфаатдорлигини шакллантириш;

инновацион жараёнда иштирок этишдан қаноатланганликларини шакллантириш;

жамоада инновацион фаолият учун соғлом ижтимоий-психологик муҳит яратиш.

Мактабда **инновацион жараёнларни назорат қилиш** деганда биз режалаштирилган ҳаракатларга тўсиқ бўладиган ёки аксинча янги имкониятлар эшигини очадиган, инновацион жараёнларни баҳолаш, керакли тузатиш ва ўзгартиришлар киритиш билан боғлиқ объектив ва субъектив шароит ўзгаришлари тўғрисида ахборотларни олишни англаймиз. Айнан назорат мактаб

ички бошқарувини турли ўзгаришларга таъсирчанлигини оширади. Таъсирнинг ўзи эса раҳбарлик, ташкилийлик, режалаштириш орқали амалга оширилади. Шу йўсин инновацион жараёнларни бошқариш цикли ҳалқаси шаклланади.

Инновацион жараёнлар бошқарув моделини қуришга бўлган ёндашувлар инновацияларни ташкил қилиш, бошқариш ва назорат қилиш режалаштириш характерини аниқлайдиган принципаал кўрсатмаларига асосан фарқланади.

Инновацион жараёнларни бошқаришга биз мактаб ички бошқарувининг нисбатан мустақил соҳаси сифатида қараймиз. Бу унинг элементларини чуқур ва махсус таҳлил қилиш, шартли равишда мактабларда мавжуд бошқарув тизими элементлари билан таққослаш имконини беради.

Мактаб ички бошқаруви ажратиб кўрсатилган элементлари мазмунан тўлдирилишини биз мақсадли дастурий ёндашув (Ғарбда мазкур ёндашув **Бошқарув лойиҳалари** деб юритилади, лойиҳа сўзи бу ўринда маълум бир муаммони ҳал қилиш усули сифатида тушунилади) асосида аниқлаймиз. Биз тавсия этаётган бошқарув модели асосига жойлаштириладиган мақсадли дастурий ёндашув асосий ғояларини санаб ўтаемиз [3]:

Мақсадли бошқарув ғояси —мактабни ривожлантиришнинг келишилган бошқарув тартиби воситаси сифатида асосий принципи белгиланган мақсадларини ишлаб чиқиш ва фойдаланишда олинган натижалар бўйича бошқариш.

Тизимли бошқарув ғояси: олдинга қўйилган мақсадга эришишда, бир-бири билан ўзаро объектив боғлиқ бўлган бир қатор мажмуавий ишлар (яъни фаолият тизимини) ни амалга оширишни тақозо қилади.

Келажакка мўлжалланган қарорлар қабул қилиш жараёни ғоясининг киритилиши бошқарувни башорат қилиш имконини беради.

Бошқарувдаги узокни кўриш ғоясида раҳбар мактабнинг истиқболдаги ҳаракатлари траекторияси таянч нуқталари тўғрисида тасаввурга эга бўлади, бунда у муассасанинг бошқарув фаолиятига яқин келажакда айнан қандай тўсиқлар ғов бўлишини башорат қила олади ва ҳозирдан унинг олдини олиш чораларини кўради.

Бошқарувни ривожлантиришнинг умумий (мақсади)аҳамияти, юқорида таъкидланганидек, инновацион фаолият субъектлари уюшқоқлиги ва ягона мақсадга йўналтирилганлиги тушунилади. Бу мақсад, бизнинг назаримизда, мактаб ички бошқаруви тизимида юқорида келтирилган тамойиллардан изчилликда фойдалансагина кутилган самарани беради. Мактабда инновацион жараёнларни бошқаришни самарали амалга ошириш оқибати таълимнинг тамомила янги сифатини таъминлашга хизмат қилади.

Инновацион жараёнларни бошқариш мақсадлари шу бобнинг биринчи параграфиди белгиланган натижалари қуйида санаб ўтилган етти мезон асосида баҳланадиган бошқарув вазифалари ҳисобланади:

Жорий этилаётган эҳтимолий янгиликлар тўғрисида педгогик жамоа аъзоларининг маълумотга эгаллик даражаси.

Мақтаб долзарб муаммоларини ажратишнинг тўлиқлиги.

Мақтабни ривожлантириш умумий ва хусусий мақсадларини танлаш рационаллиги.

Ривожланиш мақсадлари интеграциялашганлиги.

Мақтабни ривожлантириш мақсадларига эришиш режаларининг реаллиги.

Ўқитувчиларнинг ўз касбий фаолиятдаги ўсиши, такомилли ҳамда янгиликларни ўзлаштиришдан манфаатдорлиги.

Инновацион жараёнларнинг назорат қилиниш хусусиятига эгаллиги.

Мақтаб ривожланишининг турли босқичларида, одатда, инновацион фаолиятнинг ҳар хил шакллари танланади, шу боис ривожланиш билан боғлиқ олдинга қўйилган вазифалар ранг-баранг воситалар мажмуаси билан амалга оширилади. Бу умумий ўрта таълим мактабларида инновацион жараёнларни бошқаришнинг у ёки бу муаммоларни бартараф этишнинг умумий назарияси мавжуд бўлмаган шароитда, мактаб ички бошқаруви субъектларининг ўзлари мустақил равишда бундай моделларни қуришлари зарурлигини тақозо этади. Бунинг учун улар инновацион жараёнларни бошқариш функциялари таркиби умумий ёндашувларни билиши, улар асосида кутилаётган натижаларга монанд ўз таъсирчан бошқарув механизмлари таркибини шакллантиришлари керак бўлади.

Ҳар қандай бошқарув функцияларини аниқлаш икки қисмдан иборат бўлади: бошқарув ҳаракатлари номланиши (юқорида биз умумий бошқарувнинг режалаштириш, ташкиллаштириш, раҳбарлик ва назоратдан иборат тўрт турини санаб ўтдик) ва амалга ошириладиган ҳаракатлар қаратилган объект ёки субъект номи [4].

Ривожланишни бошқариш юзасидан биз вазифалар жамланмасини қуришнинг қуйидаги алгоритминини тавсия қиламиз:

Мақтаб бошқарув тузилмаси ҳар бир таркибида инновацион фаолият устувор йўналишларини аниқлаш.

Инновацион фаолият йўналишлари доираси жорий этилаётган янгиликлар қўлами(масштаби) ни аниқлаш.

Мақтабни ривожлантириш умумий дастурлари таркибини, унинг ички дастурлари мазмунини ўзида мужассам этадиган умумий инновацион жараён таркибини аниқлаш.

да ифодаланган мактаб ички бошқарувини ривожлантириш умумий ва формал ёндашувни амалга оширишда биз алгоритмда келтирилган бошқарувнинг базавий функциялари мажмуасини шакллантиришнинг сўнгги уч қисмини назарда тутамиз. Унга асосан, алоҳида олинган ҳар бир бошқарув тизими мактаблар учун инновацион фаолиятни бошқариш функциялари рўйхатини манзилли ишлаб чиқариш имконига эга бўлади. (Бошқарув функциялари таркиби вариантлари кейинги параграфда таклиф қилинган).

Бизнингча, таклиф қилаётган бошқарув функцияларини саралашнинг алгоритми инновацион жараёнларга таъсир ўтказишда зарур бўладиган бошқарув ҳаракатлари таркиби тўлиқлигини кафолатлайди, биринчидан, у бошқариладиган объект таркибини инобатга олади; иккинчидан, бошқариладиган ҳар бир ҳаракат таркибининг ҳисобга олиниши; учинчидан, муассасани ривожлантиришни бошқариш умумий цикли билан уни ривожлантиришни бошқариш хусусий циклининг мактаб бошқаруви умумий дастурлари билан боғлиқлиги.

Мактаб ички бошқаруви ривожлантириш мақсадлари хилма-хиллиги турли мақсадлар воситасида инновацион жараёнлар субъектларининг эҳтиёж ва манфаатларини инобатга олиш ва ифодалаш ҳамда педагогик жамоанинг фаолиятини амалга оширишда уларга таяниш имконини беради.

Танланган вазифалар жамланмаси ўзида бошқарув фаолияти **мазмунини** акс эттиради. Бошқарувнинг ташкилий таркиби мазкур фаолиятнинг шакли ҳисобланади.

Бизнинг нуқтаи назаримизча, инновацион жараёнларни бошқаришнинг назарий моделлари мавжуд бўлмаган шароитларда тадқиқотда белгиланган вазифаларни бажаришнинг энг истиқболлиси бошқарув фаолияти мақсадлари **таркибини** шакллантириш методи ҳисобланади. Чунки бу - инновацион жараёнларни бошқаришнинг ҳар бир (доимий ёки вақтинчалик) босқичи учун муайян вақтни белгилаш ҳамда фаолиятга жалб қилинадиган субъектлар миқдорини шакллантириш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Тошкент, Ўзбекистон-2017, 104-б.
2. Khasanov A.A. Didactic Foundations of Interdisciplinary Connections at Subject Teaching // Eastern European Scientific Journal Germany. 2018. №6. P. 127-130.
3. Управление развитием образования в регионе /концепция и модели/ /Под ред. В. С. Лазарева. — М.: ИУО РАО, 2004.
4. Управление развитием школы: Пособие для руководителей образовательных учреждений /Под ред. М.М. Поташника и С. Лазарева. — М.: Новая школа, 2005. — 464 с.